

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖнинг  
ягона акциядорининг  
2025 йил «19» июлдаги қарори билан  
3-сонли баённома**

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамияти**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**Тошкент шаҳри – 2025 йил**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига, «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) Уставига, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишининг 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган, Жамият Кузатув кенгашининг мақомини, унинг аъзоларининг сайланишини, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради ва фаолиятини тартибга солади.

2. Кузатув кенгаши Жамиятнинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш – бундан мустасно.

3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир маълум аъзоси учун амалга оширилади.

4. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

5. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

— Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

— акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

— акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

— акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

— Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

— мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

— Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи ҳисобланувчи Бош директори ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

— Жамиятнинг бошқарув лавозимларига хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда ҳар йили танловлар ўтказиш;

— Жамият ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдорини белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолият юритиш тартибини белгилаб берадиган низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият жроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- Жамиятнинг тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамиятлари ёки маъсуляти чекланган жамиятлар шаклида ташкил қилинади);
- Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимларни маъқуллаш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ва қонунчиликда ўрнатилган миқдор доирасида хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдамни кўрсатиш (олиш) шартлари ва тартибини белгилаш, шунингдек ушбу тўғрисида қарор қабул қилиш;
- корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида жалб қилиш;

6. Жамият Кузатув кенгаши Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш учун қуйидагиларни амалга оширади:

— Жамиянинг ижроия органи, ички назорат органлари, Жамиятда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, Жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этишни;

— ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштиришни, ҳамда йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштиришни таъминлашни;

— Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларини жорий этилишини назорат қилиш.

7. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчиликка ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

8. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БЕКОР ҚИЛИШ**

9. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

10. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби Жамият Устави билан белгиланади. Бунда Жамият Кузатув кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (унинг уставида назарда тутилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15%идан кам бўлмаган) мустақил аъзосини киритади.

11. Бунда мустақил аъзонинг номзодини кўрсатиш акциядорлар томонидан уларнинг келишувига кўра амалга оширилади. Мустақил аъзо кўрсатилмаган тақдирда, Жамият Кодекснинг мазкур тавсияларига риоя этилмаганлик сабаблари ҳақидаги маълумотни чоп этади.

12. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига қўйиладиган мезонлар, Корпоратив бошқарув Кодексида белгилаб қўйилган.

13. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

14. Кузатув кенгашига:

— Жамият Бош директори;

— Жамиятнинг тобе хўжалик жамиятларида, шунингдек Жамият томонидан ташкил этилган маъсулияти чекланган жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар;

— Жамиятнинг тобе хўжалик жамиятлари, шунингдек Жамият томонидан ташкил этилган маъсулияти чекланган жамият корхоналари бошқарув органларининг аъзолари;

— Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

15. Кузатув кенгаши сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари бекор қилиш акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади.

16. Жамият Кузатув кенгаш таркибига сайланадиган шахслар корпоратив бошқарувчи малакавий шаҳодатномасига (давлат улушига эга бўлган жамият учун) ёки Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг сертификатиغا эга бўлишлари керак.

17. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

18. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

19. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

#### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

20. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

21. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

22. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

23. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

#### **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ**

24. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзосининг ва акциядорнинг талабига биноан чақирилади.

25. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Мажлисида мажбурий тарзда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

— ижроия органининг йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши тўғрисидаги, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги, Жамиятнинг таркибига кирадиган корхоналарнинг уларнинг бизнес-режалари, ҳамда Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари билан тасдиқланган кўрсаткичларига эришиш ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи;

— ички аудит хизматининг ҳисоботи; Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

26. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият директорнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

27. Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

28. Шунингдек қуйидаги масалалар бўйича қарорлар ҳам Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак:

- Жамият устав фондини ошириш тўғрисида;
- кўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисида;
- акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш тўғрисида;
- аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақида;
- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида. *Бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.*

29. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

30. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

31. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

32. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

33. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамият директориға ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамият Бош директориға Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

34. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси сўров йўли билан ўтказилиши мумкин. Бунда Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Техникавий воситалар, Кузатув кенгаши аъзоларини идентификациялаш воситалари ва бошқа аппаратуралар мавжуд бўлганда, Кузатув кенгашининг мажлислари видео-конференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

35. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, регламент билан ажратилган вақт доирасида мажлисда муҳокама қилинадиган масала бўйича сўзга чиқиш;

- Кузатув кенгашининг қарорига кўра Жамиятнинг маълум давр вақти оралиғидаги фаолияти, унинг ривожлантириш режалари ҳақидаги маълумотларни олиш;
- «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖнинг «Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ Кузатув кенгаши аъзоси ўз вазифаларини бажариши даврига ҳақ олиш ва мажбуриятлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш;
- қонунчилик ва Жамият Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

36. Кузатув кенгаши аъзосининг мажбуриятлари:

- Жамият билан битим тузилганда, мўлжалланаётган битим тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг аҳамиятга молик бўлган шартларини батафсил тарзда кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юбориш йўли билан Жамият томонидан битим тузилганда ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида хабардор қилиш;
- ўзининг лавозим мажбуриятларини виждонан, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида энг яхши деб ҳисоблаган усулда амалга ошириш;
- қонунчилик ва Жамият уставида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга эга.

37. Кузатув кенгашининг аъзолари Жамиятнинг имкониятларидан (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамият фаолияти ва режалари ҳақидаги маълумотлардан) шахсий бойлик ортириш мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

## **VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

38. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим ва Жамият олдида қонунчиликка ва Жамият уставига мувофиқ жавобгар бўладилар.

39. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

40. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайдилар, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 90-моддасида белгиланган ҳолатлар – бундан мустасно.

41. Жамият ёки акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

## **VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

42. Кузатув кенгаши аъзоларини зарур материаллар билан таъминлаш, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро муносабатлари учун жавобгар – акциядорлар билан корпоратив муносабатлар Бошқармаси (бўлими) ёки қимматли қоғозлар бўйича мутахассис ёхуд корпоратив котиб саналади.

43. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка эга бўладилар.

44. Агар мазкур Низомнинг алоҳида моддалари Республикаси Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, унда ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва унинг мазкур моддалар билан тартибга солинадиган қисмида, мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Республикаси

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Устави нормаларига амал қилиш керак.